

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СОЛИЖОНОВ ЗИЁДИЛЛО БАХТИЁР ЎҒЛИ

**СУРУНКАЛИ ТОШЛИ ХОЛЕЦИСТИТ ХИРУРГИЯСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН КИЧИК КЕСМАЛИ
ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯ ТАШРИҲИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Солижонов Зиёдилло Бахтиёр ўғли

Сурункали тошли холецистит хирургиясида такомиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомия ташриҳининг аҳамияти ва ўрни..... 3

Солижонов Зиёдилло Бахтиёр угли

Роль и место модифицированной холецистэктомии из мини доступа в хирургии хронического калькулезного холецистита..... 25

Solijonov Ziyodillo Bahtiyor ugli

The role and place of modified cholecystectomy from a mini access in surgery for chronic calculous cholecystitis..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

СОЛИЖОНОВ ЗИЁДИЛЛО БАХТИЁР ЎҒЛИ

**СУРУНКАЛИ ТОШЛИ ХОЛЕЦИСТИТ ХИРУРГИЯСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН КИЧИК КЕСМАЛИ
ХОЛЕЦИСТЭКТОМИЯ ТАШРИҲИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.PhD/Tib2909 (B2022.2.PhD/Tib2909) рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ботиров Акрам Кодиралиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжиматов Гуломидин Минходжиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нуритдинов Арифжон Талибович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги рақами реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўт тош касаллиги (ЎТК) касалликларнинг умумий таркибида юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабетдан кейин учинчи ўринни эгаллаб, ҳанузгача аҳоли ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатадиган ва кўпинча ҳаёт учун хавфли асоратлар ривожланиши, шунингдек, хирургик аралашувлар частотасининг ортиши туфайли муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. VI Бутунжаҳон гастроэнтерологлари конгресси маълумотларига кўра, "...дунё аҳолисининг 10 фоизи ЎТКдан азият чекади. Ривожланган мамлакатларда касаллик ҳар ўн йилда икки баравар кўпаймоқда, энг юқори касалланиш етук ёшда (45-59 ёш) кузатилади ва касалланишнинг "ёшариши" кузатилмоқда..."¹. Сурункали тошли холецистит (СТХ) частотасининг ошиши билан ЎТКнинг асоратланган шакллари билан оғриган беморлар сони ортиб бормоқда ва шунга мос равишда ташрихлар сони ортиб бормоқда. Анъанавий лапаротомия, лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) ва минилапаротомия ташрихлари каби турли усуллар қўлланилади. Бироқ, ушбу тоифадаги беморларни даволашнинг ягона стандарти ҳали ҳам мавжуд эмас ва натижада бир усулни бошқасига нисбатан танлаш жарроҳнинг танловига ва клиника анъаналарига асосланади. Шу муносабат билан СТХ ташхисоти ва хирургик даволаш муаммоси нафақат тиббий, балки катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ва холецистэктомия (ХЭ) усуллари оптималлаштириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ клиник тадқиқотлар замонавий хирургияда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ҳозирга вақтда лапароскопик ва каминвазив холецистэктомиянинг янги усуллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, коморбид беморларда лапароскопик холецистэктомия ва кичик кесмали холецистэктомиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш, шунингдек гистоморфологик баҳолаш билан муцин экспрессиясини миқдорий таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, сурункали тошли холециститда зардоб Th1 ва Th2 цитокинлари экспрессияси ўртасидаги боғлиқлик ўрганилмоқда, ўткир ва сурункали тошли холецистит билан оғриган беморларни "1 кунлик стационар" тамойилида хирургик даволашнинг рационал тактикасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари профилактика, консерватив ва хирургик даволашнинг замонавий тамойилларини татбиқ этиш орқали ўт тош касаллиги билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали

¹ Вахрушев Я.М., Хохлачева Н.А. Желчнокаменная болезнь: эпидемиология, факторы риска, особенности клинического течения, профилактика //Архив внутренней медицины. -2016. –т.6, №3 (29). - с. 30-35.

тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ташхисот ва даволаш алгоритмини такомиллаштириш ҳамда кичик кесмали холецистэктомия усулини модификациялаш ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли абдоминал хирургиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўт тош касаллиги (ЎТК) биринчи марта 1507 йилда Антонио Бенивьени томонидан тасвирланган. Илк бор бажарилган ХЭ 1882 йилга тўғри келади, ўшанда Лангебух Берлинда ушбу жарроҳлик аралашувини муваффақиятли амалга оширган³. Ўшандан бери СТХни жарроҳлик йўли билан даволашда сезиларли ютуқларга эришилди, ҳаёт сифати яхшиланди, касалланиш ва ўлим даражаси пасайди. Бироқ, бу касалликнинг барқарор ўсиши ва ҳаёт учун хавfli бўлиши мумкин бўлган асоратларни ривожланиши, кўпинча унинг юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет билан бирга келиши, шунингдек, замонавий диагностика ускуналарини клиник амалиётга жорий этилиши ва жарроҳлик асбобларини такомиллаштирилиши жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган тактикани янада оптималлаштиришни талаб қилади. Олимларнинг ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича турли хил қарашлари ушбу муаммога ноаниқ муносабатни таъкидлайди, унинг таркибида илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши замонавий даволаш ва диагностика имкониятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс диагностикани такомиллаштириш бўлиб қолмоқда, бу ЎТКда даволаш тактикасини дифференциаллаш ва касалликнинг якуини башоратлаш имконини беради⁴.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

³ Shehadi W.H. The biliary system through the ages. Int /Surg. 1979; 64 (5) 63-78.

⁴ European Association for the Study of the Liver (EASL). Clinical Practice Guidelines on the prevention, diagnosis and treatment of gallstones //Journal of Hepatology. - 2016. -Vol. 65.- № 1. -P. 146-181.

Кичик кесма орқали холецистэктомия ва лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) каби кам шикастли ташрихлар СТХда тан олинган операциялар ҳисобланади, чунки улар ушбу янги талабларга тўлиқ жавоб беради. Сўнги ўн йилликларда ЎТКни даволашда ЛХЭ ва кичик кесмали ХЭ кенг тарқалди, аммо ҳали ҳам ягона даволаш стандарти мавжуд эмас. Ўт пуфагига кичик кесмали кириш орқали холецистэктомиянинг маълум усуллари қўлланиш бўйича чекловлар мавжуд, бу чекланган фойдаланишга сабаб асбоблар дизайнининг мураккаблиги билан боғлиқ, шунингдек кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни аниқлашда жарроҳлар ўртасидаги мавжуд келишмовчиликлар туфайли асоратлар билан бирга келади. Бу сурункали тошли холециститда жарроҳлик усуллари ва тактикасини оптималлаштиришга бўлган қизиқишнинг ортиши билан изоҳланади⁵.

Ташхисот ва жарроҳлик тактикасини аниқлаш нуқтаи назаридан, тиббиёт саноатининг ривожланиши ва УТТ, Эндо-УТТ каби замонавий ташхисот ускуналарининг жорий этилиши билан сезиларли ютуқларга эришилди, бу эса операциядан олдинги даврда яллиғланиш жараёнининг оғирлигини аниқлаш ва ҳаракатлар алгоритмини белгилаш ва агар жарроҳлик аралашуви зарур бўлса, операция усулини танлаш имконини беради. Ҳозирги вақтда холецистэктомия (ХЭ) учун қийшиқ кўндаланг, ўрта ва бошқа кенг кесмалар, шунингдек, видеолапароскопик қўллов билан 4-портли, техник жиҳатдан мураккаб бўлмаган ҳолларда 3-портли, махсус мини-ассистент ёрдамида қорин тўғри мушакларини қаватлаш ёки латерал силжитиш билан мини-лапаротомия усуллари кенг қўлланилмоқда⁶. Ўт пуфаги жарроҳлигида жарроҳлик аралашувининг асосий талабларига кўра, жарроҳлик кириш усули етарли кўринишни ва гепатобилиар сохани текшириш имкониятини таъминлаши керак. Асосиз кенг ёки аксинча, кичик кириш усули жарроҳлик аралашуви пайтида ва уларни амалга оширгандан сўнг яқин келажакда ҳаёт учун хавfli асоратлар шаклида сезиларли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Анъанавий холецистэктомия бир қатор камчиликлар билан бирга келади, бундай киришнинг асосий афзалликларидан бири - жарроҳлик соҳасининг қулай кўриниши ҳисобланади. ЛХЭ да, анъанавийдан фарқли ўлароқ, ўт пуфаги билан жарроҳлик манипуляциясининг бутун мажмуасини бажариш мумкин, шунингдек, кам шикастлилик, яхши косметик самара ва жарроҳлик пайтида ва операциядан кейинги даврда камроқ асоратлар билан ажралиб туради. Бироқ, кучли намоён бўлган перивезикуляр инфилтрат ҳамда қорин бўшлиғи битишмалари бўлган ҳолларда ушбу усулга қарши кўрсатмалар мавжуд. Агар ЛХЭни бажаришга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлса, кенг кесмадан фойдаланишнинг барча афзалликлари сақланувчи, аммо пневмоперитонеум қўлламаган ҳолда кичик кесма орқали ХЭни бажариш мумкин.

⁵ Amjad S., Rizvi A., Asmat S., Akhtar S., Faridi S., Ahmad M. Forecast of difficult Laparoscopic cholecystectomy by Sonography: An added advantage. Biomedical Research. 2012;23(3):425-429.

⁶ Шмаков Д.А., Щербатых А.В., Соколова С.В. и др. Дифференцированный подход к выбору оперативного доступа при калькулезном холецистите. Сибирское медиц. обозрение 2020; (1):66-72

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ЎТҚда кам шикастли кириш усуллари орқали ташрихларни бажаришнинг тактик ва техник хусусиятлари, шунингдек, ЛХЭ ва кичик кесмали ХЭ дан фойдаланиш имкониятларини табақалаштирилган баҳолаш билан боғлиқ масалалар ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган ва баҳсли. Бундай ноаниқлик бизни сурункали тошли холециститда натижаларнинг қиёсий таҳлилини ўтказишга, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларни хирургик даволашда ҳар бир ташрих усулининг аҳамияти ва ўрнини аниқлашга ундади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.07.0069-сон «Одам хирургик касалликларини ташхислаш ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзуси доирасида бажарилган (2021-2024 й.).

Тадқиқотнинг мақсади ташхисот ва даволаш алгоритминини ҳамда кичик кесма орқали холецистэктомия усулини такомиллаштириш орқали сурункали тошли холециститни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали тошли холециститни даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш, шунингдек, ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда ўлимнинг структураси ва частотасини аниқлаш;

хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи ташхисот ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

сурункали тошли холециститда кичик кесмали холецистэктомия усулини такомиллаштириш;

лапароскопик холецистэктомия, кичик кесмали холецистэктомия ва “анъанавий” холецистэктомияга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни аниқлаштириш ҳамда унга усулнинг ҳар бирининг афзалликлари ва камчиликларини асослаш;

усулларнинг ҳар бири ўртасида қиёсий таҳлил ўтказган ҳолда такомиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомиянинг аҳамияти ва ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2021 йиллар мобайнида АДТИ Клиникасининг 3-хирургия бўлимида сурункали тошли холецистит туфайли ташрих ўтказилган 1929 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сурункали тошли холецистит билан оғриган беморларда кичик кесмали, “анъанавий” ва лапароскопик холецистэктомияни амалга оширишда клиник ва лаборатор маълумотлар натижалари ва хулосаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, маҳсул ва статистик тадқиқот усуллари тадқиқот қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали тошли холециститда хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи даволаш ва ташхисот алгоритминини ишлаб чиқиш ва

жорий этиш имконини берган ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда ўлимнинг структураси ва частотаси аниқланган;

сурункали тошли холециститда кичик кесмали холецистэктомия усули такомиллаштирилган;

лапароскопик, “анъанавий” ва кичик кесмали холецистэктомияга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар аниқлаштирилган ҳамда учта усулларни ҳар бирининг афзалликлари ва камчиликларини асосланган;

сурункали тошли холецистит хирургиясида усулларнинг ҳар бири ўртасида қиёсий таҳлил ўтказган ҳолда такомиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомиянинг аҳамияти ва ўрни аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали тошли холециститда хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи даволаш ва ташхисот алгоритми ишлаб чиқилган;

сурункали тошли холециститда ҳар қандай тана тузилиши тури ҳамда ўт пуфагининг жойлашувида кесманинг универсаллигини ва чандикнинг косметиклигини таъминлайдиган, шунингдек, қориннинг ўнг тўғри мушаги яхлитлигини сақлаб қолиш ҳисобига ташрихнинг шикастлилигини камайтирувчи кичик кесмали холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усулини қўллаш имконияти асосланган;

сурункали тошли холецистит хирургиясида лапароскопик холецистэктомияга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлганда афзалроқ бўлган такомиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомиянинг аҳамияти ва ўрни аниқланган;

ташрихдан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатларини камайтиришга имкон берган ҳар бир холецистэктомия усулининг кўрсатмалари, қарши кўрсатмалари, афзалликлари ва камчиликлари аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, ҳулосалар ва амалий тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, сурункали тошли холециститни жарроҳлик йўли билан даволашга ва унинг натижаларига муҳим ҳисса қўшганлиги, шунингдек, диссертация ишининг алоҳида жиҳатлари сурункали тошли холецистит билан оғриган беморларни ташхислаш ва хирургик даволаш бўйича талабалар, магистрлар ҳамда клиник ординаторларнинг ўқув дастурлари мазмуни ва тузилишини яхшилашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тавсия этилган ташхисот ва даволаш алгоритми ҳамда такомиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомия хирургик тактикани оптималлаштириш, ва шу билан сурункали холециститни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/30-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 20 июндаги 06-2211-сон хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: сурункали тошли холециститда хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берувчи даволаш ва ташхисот алгоритмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини берган ташрихдан кейинги асоратлар ҳамда ўлимнинг структураси ва частотаси аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/3-сон билан тасдиқланган «Ўт-тош касаллиги ва унинг асоратларини даволашда хирургик тактикани оптималлаштиришда кичик кесмали холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усули ҳамда ташхисот ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.09.2023 йилдаги 281-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 15.09.2023 йилдаги 79-сон ҳамда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 21.09.2023 йилдаги 36-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/30-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Операциядан кейинги асоратларнинг частотасини аниқлаш, тактик ва техник камчиликларни аниқлаш сурункали тошли холецистит аниқланган беморлар учун жарроҳлик тактикасини қайта кўриб чиқиш, таклиф этилаётган 3 усулнинг камчилиги ва қарши кўрсатмаларни аниқлашга ва шу орқали билим ва кўникмаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Ташрихдан кейинги асоратларни тузилишини ҳамда ташрих вақтидаги тактик ва техник ҳатоларни аниқлаштириш орқали умумий ёндашувгина ушбу гуруҳдаги самарадорликни ошириши мумкин. Ушбу лойиҳа натижаларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги таркибий қисмлардан шаклланади: ўт тош касаллиги аниқланган беморлар даволаш натижаларини яхшилаш; ташрих давомийлигини қисқартириш, ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш; ногиронликнинг камайиши. Хулоса: Холецистэктомиядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари, тактик ва техник камчиликлар тузилишини аниқлаштириш сурункали тошли холецистит аниқланган беморлар учун жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришга имкон беради, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатини камайтиради ва бу орқали 241.178.100 сўм тежаш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: сурункали тошли холециститда кичик кесмали холецистэктомия усули такомиллаштирилганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/3-сон билан тасдиқланган «Ўт-тош касаллиги ва унинг асоратларини даволашда хирургик тактикани оптималлаштиришда кичик кесмали холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усули ҳамда ташхисот ва даволаш алгоритми» номли

услугий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.09.2023 йилдаги 281-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 15.09.2023 йилдаги 79-сон ҳамда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 21.09.2023 йилдаги 36-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/30-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Муқобиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомия ташрихи техник жиҳатдан қулай ва осон, ҳамда беморларда ўнг томонлама қорин олд девори тўғри мускулини сақлаш ҳисобига жароҳатлилигини камайтириб, ҳар қандай тана тузилишидаги ва ўт пуфагини жойлашишидан қатъий назар ташрих жароҳатини қулайлигига эришилади. Лапароскопик холецистэктомияга қарши кўрсатмалар бўлганда ҳам таклиф этилаётган усулни қўллаш мумкин ва ташрихдан кейинги давр лапароскопиядан фарқ қилмайди, бемор қисқа муддатларда фаоллашади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Шифохонада бир бемор учун 1 кун ётиш тўлови учун 242000 сўм, умумий 344500 сўмга харажатларни қисқартиришга асос бўлган. Хулоса: Муқобиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомия усули ятроген шикастланишлар частотасини 14,1% га, конверсиялар сонини 5,6% га, жарроҳлик билан боғлиқ операциядан кейинги асоратлар частотасини 3,9% га камайтиришга имкон беради. Реллапаротомиялар сонини 2,4 фоизга камайтириш ва шу орқали ногиронликни камайтириш ҳисобига 138874635 сўмни тежаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: лапароскопик, “анъанавий” ва кичик кесмали холецистэктомияга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар аниқлаштирилган ҳамда учта усулларни ҳар бирининг афзалликлари ва камчиликларини асосланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/3-сон билан тасдиқланган «Ўт-тош касаллиги ва унинг асоратларини даволашда хирургик тактикани оптималлаштиришда кичик кесмали холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усули ҳамда ташхисот ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.09.2023 йилдаги 281-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 15.09.2023 йилдаги 79-сон ҳамда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 21.09.2023 йилдаги 36-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/30-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Холецистэктомиянинг турли усуллари учун жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш жарроҳлик билан боғлиқ операциядан кейинги асоратларнинг частотасини - 0,6% гача, ўлимни - 0,2% гача, лапароскопик холецистэктомиядан кейинги конверсияларни - 0,5% ва такрорий операцияларни 0,1%гача камайтиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Натижаларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги таркибий қисмлардан шаклланади: ўт тош касаллиги аниқланган беморлар даволаш натижаларини яхшилаш; ташрих

давомийлигини қисқартириш, ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш; ногиронликнинг камайиши.. Хулоса: Турли усулдаги холецистэктомия ташрихларига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ва уларнинг афзалликларини аниқлаш билан хирургик тактикани такомиллаштириш меҳнатга лаёқатсизлик вақтини қисқартиш орқали 24178100 сўмни, ногиронликни камайтириш орқали 138874635 сўмни тежаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: сурункали тошли холецистит хирургиясида усулларнинг ҳар бири ўртасида қиёсий таҳлил ўтказган ҳолда такомиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомиянинг аҳамияти ва ўрни аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 4 январда 8н-р/3-сон билан тасдиқланган «Ўт-тош касаллиги ва унинг асоратларини даволашда хирургик тактикани оптималлаштиришда кичик кесмали холецистэктомиянинг такомиллаштирилган усули ҳамда ташхисот ва даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 18.09.2023 йилдаги 281-сон, Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 15.09.2023 йилдаги 79-сон ҳамда Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 21.09.2023 йилдаги 36-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 25 июндаги 01/30-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Ўтказилган тадқиқотлар таклиф этилган усулга кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар ва афзалликларни аниқлаш орқали юқори анестезиологик ва операцион ҳавф бўлган беморларда ташрихга кўрсатмаларни кенгайтиришга ҳамда умумий характердаги асоратларни 6,8% га ва ўлимни 4,0% га камайтиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Шифохонада бир бемор учун 1 кун ётиш тўлови учун 242000 сўм, умумий 344500 сўмга харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. Хулоса: Клиник таснифни ҳисобга олган ҳолда, тактик-техник алгоритми асосида сурункали тошли холецистит учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган кичик кесмали холецистэктомиядан фойдаланган ҳолда жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришдан 40 бемор мисолида меҳнатга лаёқатлигини вақтинча йўқотишдан 241178100 сўмни тежашга, шунингдек ногиронликни камайтиришдан 138874635 сўмни тежашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодалаб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларини пробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Ўт тош касаллигини хирургик даволаш муаммосининг ҳозирги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида эпидемиологик ва тиббий-ижтимоий жиҳатлар, шунингдек, ЎТК ни “анъанавий” ХЭ (АХЭ), ЛХЭ ва кичик кесмали ХЭ амалга ошириш йўли билан хирургик даволаш муаммоси ҳолати ёритилган адабиётлар шарҳи тақдим этилган. Таъкидланишича, кўплаб жарроҳлар томонидан тажриба йўқлиги сабабли кичик кесмали ХЭ дан фойдаланиш ҳақли равишда чекланган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида кейинчалик ўрганиш ва ишлаб чиқишни талаб қиладиган мунозарали ва ҳал қилинмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Клиник-экспериментал материал ва тадқиқот усуллари**нинг тавсифи» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий йўналишлари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиб, 2016-2021 йиллар мобайнида АДТИ клиникасининг 3-хирургия бўлимида сурункали тошли холецистит туфайли режали равишда ташрих ўтказилган 1929 нафар беморлар диссертация тадқиқотининг асосини ташкил қилган ҳамда тадқиқот мақсадига кўра, шартли равишда 2 гуруҳга бўлинган:

- таққослаш гуруҳи: 776 (40,3%) нафар бемор, улар 2016 йилдан 2018 йилгача ташрих қилинган бўлиб, ретроспектив таҳлил ўтказилган;

- асосий гуруҳ: 1153 (59,7%) нафар бемор 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ташрих қилинган бўлиб, уларда такомиллаштирилган усуллар ва ташрихнинг техник услублари ҳамда оптималлаштирилган жарроҳлик тактикаси қўлланилган.

Таққослаш гуруҳидаги (776 бемор) 75 (9,6%) беморда АХЭ, 536 (69,1%) нафарида ЛХЭ ва 165 (21,3%) беморда кичик кесмали ХЭ амалга оширилган. Асосий гуруҳда (1153 бемор) 76 (6,6%) беморда АХЭ, 715 (62,0%) нафарида ЛХЭ ва 362 (31,4%) беморда кичик кесмали ХЭ амалга оширилган. Бундан кичик кесмали ХЭ 220 (19,1%) беморда ва такомиллаштирилган кичик кесмали ХЭ 142 (12,3%) беморда бажарилган (1-жадвал).

Клиник таҳлил давомида биз ЖССТ (2021) томонидан қабул қилинган ёш таснифига амал қилдик. Таққослаш гуруҳида 38 (4,9%) бемор, асосий гуруҳда эса 73 (6,3%) бемор ўсмирлик даврида ташрих қилинган. Иккала гуруҳда ҳам ёш (25-45 ёш) беморларнинг улуши сезиларли даражада устунлик қилди, мос равишда 341 (43,9%) ва 462 (40,1%) ни ташкил этди.

Қўлланилган ХЭ усулларига кўра беморларнинг тақсимланиши

Аралашув тури	Таққослаш гуруҳи (n=776)		P	Асосий гуруҳ (n=1153)		Жами (n=1929)	
	абс	%		абс	%	абс	%
Анъанавий	75	9.66	0,972	76	6.59	151	7.8
Лапароскопик ХЭ	536	69.07		715	62.01	1251	64.8
Кичик кесмали ХЭ	165	21.26		362	31.40	527	27.3
Жами	776	100		1153	100	1929	100

Таққослаш гуруҳида ўрта ёшдаги (46-59 ёш) беморлар сони 211 (27,2%) нафарни ва асосий гуруҳда эса 356 (30,9%) нафарни ташкил этди. 60 ёшдан ошган беморлар, таққослаш гуруҳида 128 (16,5%) ва асосий гуруҳда - 182 (15,8%) нафарни, 75 ёш ва ундан катталар, мос равишда, 58 (7,5%) ва 80 (6,9%) нафарни ташкил этди. Таққослаш гуруҳида 274 (35,3%) беморда ва асосий гуруҳда 439 (38,1%) беморда касалликнинг давомийлиги 1 йилгача бўлган. Таққослаш гуруҳида касалликнинг давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача 502 кишида (64,7%), асосий гуруҳда эса 714 кишида (61,9%) аниқланган. Таққослаш гуруҳида 25 (3,2%) ва асосий гуруҳда 31 (2,7%) беморда симультан ташрихлар ўтказилган хамрох хирургик патологиялар аниқланган.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, ЎТК нинг клиник симптомлар мажмуаси оғриқ, умумий ва маҳаллий симптомлардан иборат.

Ўт тош касаллиги ва ва унинг асоратларининг клиник белгилари

Аломатлар	Беморлар гуруҳлари				
	Таққослаш гуруҳи (n=776)		P	Асосий гуруҳ (n=1153)	
	абс	%		абс	%
1. Оғриқ синдроми:					
а) кучсиз	694	89.4	0,97	977	84.7
б) кучли	82	10.6		176	15.3
2. Оғриқнинг локализацияси:					
а) ўнг қовурға ёйи остида	662	85.3	0,97	975	84.6
б) эпигастрал соҳада	114	14.7		178	15.4
3. Оғриқнинг иррадиацияси:					
а) ўнг курак ва елка	348	44.8	0,99	564	48.9
б) орқа ва бел соҳаси	212	27.3		289	25.1
в) иррадиациясиз	125	16.1		168	14.6
д) юрак соҳаси	91	11.7		132	11.4
4. Диспептик бузилишлар:					
3. кўнгил айниш	86	11.1	0,99	163	14.1
4. қусиш	63	8.1		102	8.8
5. сариқлик	77	9.9		86	7.5

Диссертациянинг «Сурункали тошли холециститда таққослаш гуруҳида қўлланилган жарроҳлик тактикаси» деб номланган учинчи бобида анъанавий ёндашувлар ёрдамида бажариладиган ташрихларнинг хусусиятлари кўриб чиқилган, жарроҳлик тактикасидаги камчиликлар

аниқланган ва ишлаб чиқилган кичик кесмали ХЭ нинг техникасини тақдим этилган. Таққослаш гуруҳида анъанавий холецистэктомия 75 беморда амалга оширилган. 23 (30,7%) беморда юқори ўрта чизиқли лапаротомиядан фойдаланилган, улардан 6 (8,0%) нафари эркаклар ва 17 (22,7%) нафари аёлларни ташкил этган. 52 (69,3%) беморда анъанавий холецистэктомия ўнг қовурға ёйи остидан Кохер ва Федоров бўйича кесма билан амалга оширилган. Улардан 6 нафари (8,0%) эркаклар, 46 нафари (61,3%) аёллардир. АХЭ фақат 57 (76,0%) беморда ва ўт пуфаги резекцияси 4 (5,3%) беморда амалга оширилган. ТХЭ билан бир вақтда 14 (18,7%) беморда симультан ташрихлар ўтказилган.

Ушбу касалликнинг асоратланмаган кечишида ЛХЭ 536 беморда ўтказилган. Улардан 76 (14,2%) ҳолатда конверсия амалга оширилган, уларнинг сабаблари қон кетиши (48) ва умумий ўт йўлларининг тошлари (28) билан жигарнинг ятrogen шикастланиши бўлган. Ятrogen шикастланиш сабабларини таҳлил қилиш атипик найсимон тузилмаларни тўлиқ фарқлаш ва жарроҳлик техникасида аниқликни сақлаш зарурлигини кўрсатди. 536 та лапароскопик аралашувдан 451 (84,1%) тасида изоляцияланган ЛХЭ ўтказилди. Ўт пуфаги склерози ва буришишида 1 (0,2%) беморда ўт пуфаги резекцияси ўтказилди. 9 (1,8%) беморда ЛХЭ ва симультан ташрихлар бажарилди. Таққослаш гуруҳида конверсия 76 (14,2%) беморда амалга оширилган. Улардан 48 (8,9%) беморда конверсия сабаби ятrogen шикастланишлар, 28 тасида (3,6%) эса техник қийинчиликлар бўлган.

Таққослаш гуруҳи таҳлил қилинганда бир қатор тактик ва техник камчиликлар аниқланди. Шундай қилиб, 11 беморда АХЭ холангит фонида амалга оширилган, бу эса ташрихдан кейинги даврда ўт пуфаги йўли етишмовчилигига ва ўлимга олиб келадиган ўтли перитонитга олиб келган. 48 (6,2%) беморда мажбурий минимал инвазив кириш истаги ятrogen шикастланишга олиб келган, 6 (0,8%) ҳолатда ўлим кузатилган. 7 беморда етарли даражада тайёргарлик кўрилмаган, хамрох жигар патологиясида (жигар циррози) ўт пуфаги ўринидиган қон кетишига олиб келган ва бу ташрих вақтида тўхтатилган.


Умуман олганда, ташрихдан кейинги давр 29 (3,7%) беморда ўт пуфаги йўли чоклари етишмовчилиги, 7 тасида (0,9%) ташрихдан кейинги панкреатит, 9 тасида (1,2%) ўт оқмаси ва 13 тасида (3,7%) (1,7%) холангит билан асоратланган. 5 (0,6%) беморда ташрихдан кейинги давр тромбоэмболик асоратлар (ТЭА) билан асоратланган. Улардан 4 нафар беморда оёқ веналарининг ўткир тромбофлебити кузатилган. Комплекс чоратадбирлар кўрилганидан сўнг беморлар тузалган. 5-куни 1 (0,1%) беморда ўлим билан яқунланган ўпка артериялари тромбоэмболияси кузатилган. Таҳлил шуни кўрсатдики, ТЭА профилактикаси амалга оширилмаган.

Назорат гуруҳидаги жарроҳлик даволаш натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш, биз бир қатор тактик ва техник камчиликларга йўл қўйганимизни кўрсатди. Хусусан: 1) Федоров бўйича ўнг қовурға ёйи остидан кенг лапаротомия қориннинг ўнг тўғри мушакларини кесиш билан кўпинча ташрихдан кейинги чурра ривожланишига сабаб бўлган; 2)

жарроҳлик тактикасини аниқлаш ва ташрих усулини танлашда ўт пуфагидаги ўзгаришларнинг табиати, тошларнинг жойлашиши ва диаметри ҳар томонлама ҳисобга олинмаган; 3) холангит ташхиси қўйилганда, умумий ўт йўлини дренажлашсиз холецистэктомия қилинган; 4) ЛХЭ да кам шикастли кириб боришга интилиш конверсияга олиб келган; 5) бужмайган ўт пуфаги мавжуд бўлганда, ЛХЭ қўлланилган, бу ўт пуфаги ўриндигидан қон кетишининг ривожланишига сабаб бўлган; 6) кичик кесмали ХЭ дастлаб беморнинг жисмоний ҳолатини олдиндан баҳоламасдан қўлланилган. 165 та ҳолатдан 116 тасида (70,3%), ўт пуфаги склерози ва бужмайиши бўлган ҳолларда эса 4 тасида (2,4%) кичик кесмали такомиллаштирилган ХЭ изоляцион ҳолда амалга оширилган. Кичик кесмали такомиллаштирилган ХЭ пайтида 4 (2,4%) беморда симультан ташрихлар бажарилган. Конверсия 41 (24,9%) беморда амалга оширилган. Сурункали тошли холециститда 94 (22,7%) беморда кичик кесмали такомиллаштирилган ХЭ усули қўлланилган.

Диссертациянинг «**Асосий гуруҳда сурункали тошли холециститда жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида ташрихдан олдинги тайёргарлик ва ташрихдан кейинги даволашга тизимли ёндашув тақдим этилган, такомиллаштирилган даволаш ва диагностика алгоритми ишлаб чиқилган, такомиллаштирилган тактик ва техник ёндашувлар ҳисобга олган ҳолда бажарилган ташрихларнинг хусусиятлари кўриб чиқилган, шунингдек, ҳар бир жарроҳлик усулига кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари аниқлаштирилган. Ташрихдан олдинги тайёргарлик ва ташрихдан кейинги даволаниш жарроҳлик аралашувнинг ижобий натижасининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Умумий қабул қилинган чора-тадбирлар билан бир қаторда, ўт пуфаги ва ўт йўлларида органик ўзгаришлар мавжудлигига, унинг диаметрига, шунингдек, ўт пуфаги ва унинг бўйин соҳаси тузилмаларини аниқлашга, асоратларни ва бирга келадиган жарроҳлик ва хамроҳ терапевтик касалликларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хамроҳ касалликларнинг мавжудлиги, айниқса юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг оғир патологияси бўлган беморларда ташрихдан олдинги ва ташрихдан кейинги даврда қўшимча терапевтик чораларни талаб қилди ва инфузион терапиядан фойдаланишни чеклади. Барча беморларда тегишли мутахассислар билан бирга хамроҳ касаллик (унинг табиатидан қатъий назар) коррекция қилинди. ТЭА ни олдини олиш учун кўрсатмаларга мувофиқ специфик ва носпецифик профилактика чоралари кўрилди. Даволаш чораларининг ҳажми ва мазмуни касалликнинг шаклига, беморларнинг ёшига ва бирга келадиган терапевтик патологиянинг мавжудлигига қараб белгиланади.

Ташрихдан кейинги даврни бошқариш ташрихдан олдинги тайёргарлик ва ташрих даврида бошланган ягона терапевтик тадбирлар дастурининг давоми сифатида кўриб чиқилиши керак, бу ерда умумий қабул қилинган чора-тадбирлар билан бир қаторда ичак моторикасини эрта рағбатлантириш, овқатлантириш, эрта фаоллаштириш ва ТЭА профилактикасига аҳамият берилган.



1-расм. Ўт тош касаллигида такомиллаштирилган ташхисот-даволаш алгоритми

Сурункали тошли холециститни жарроҳлик даволаш натижаларидан қоникмаслик ва уларни таҳлил қилиш бизни диагностика ва жарроҳлик усулини танлаш бўйича ҳаракатларни ишлаб чиқишга ундади, бу эса схематик равишда 1-расмда келтирилган жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришга имкон берди. (DГУ 2023 1254. 24.02.2023).

Таклиф этилган алгоритмга кўра, барча беморларда клиник ва анамнестик маълумотлар (шикоятлар, касаллик тарихи ва ҳаёт тарихи) аниқланади. Бундай ҳолда, олдинги ташрихларга (айниқса, қорин бўшлиғининг юқори қаватида) ва бирга келадиган жарроҳлик патологиясининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг клиник ва лаборатор текширувлари ўтказилади – умумий қон ва сийдик таҳлиллари, биокимёвий таҳлиллар ва охириги даврда Ковид-19 учун тест; ЭКГ, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи рентгенографияси, УТТ; Кейин ҳамроҳ терапевтик патологиянинг мавжудлиги ва оғирлиги аниқланади. Ҳамроҳ терапевтик патологиянинг компенсацияланган шакллари ташхисланганда, уларни коррекциялаш хирургия бўлимида терапевтлар, кардиологлар, эндокринологлар ва бошқалар билан биргаликда амалга оширилди (патологиянинг табиатига қараб).

Субкомпенсацияланган шакллари ташхисланганда даволаш тегишли мутахассислар - терапевтлар, кардиологлар, эндокринологлар ва бошқалар назорати остида ихтисослаштирилган бўлимларда амалга оширилди (патологиянинг хусусиятига қараб). Даволашдан сўнг хирургик даволаш учун кўрсатмалар аниқланди.

Баъзи ҳолларда УТ текшируви пайтида ўт пуфагининг баъзи кўрсаткичлари (ҳажми, диаметри, деворлари қалинлиги) аниқ кўринмайди ёки заиф акустик соя аниқланади. Аниқроқ ташхис қўйиш учун кейинги қадам - МСКТ. Бундай ҳолларда ушбу тадқиқот (МСКТ) юқори нурланиш дозаси билан бирга бўлса ҳам, ўт пуфаги ва жигардан ташқари ўт йўллариининг зарур хусусиятларини аниқ аниқлаш имконини беради. Холедохолитазсиз УТК ташхиси тасдиқланган ҳолларда кичик кесмали ХЭ ва ЛХЭ танлов ташрихи ҳисобланади.

